

«АДАБ АЛ-ИМЛО ВАЛ ИСТИМЛО» АСАРИ МАНБАВИЙ АСОСЛАРИ

<https://doi.org/10.5281/zenodo.12519625>

Юсупов Ҳалилуллоҳ Сади ўғли

Ўзбекистон халқаро ислом академияси докторанти

Аннотация

мақолада Самъонийнинг «адаб ал-имло вал истимло» асарининг манбавий асослари ҳақида тадқиқот олиб борилади.

Калит сўзлар

Сунан, тариқ, санад, иснод, Истиробод, Асбаҳон.

Кириш қисми: Умуман олганда фойдаланган манбаа ва адабиётлар билан таниш бўлиш китоб соҳибининг илмий маълумотларни йиғиш жараёнида қилган меҳнатларини муносиб тақдирлаш ҳамда тушуниб етишга ёрдам беради. Қолаверса бу кишида объектив ёндашувни ҳам шакллантиради. Айниқса, Самъоний бу борада беқиёс ҳисобланади. Шунинг учун ҳам у фойдаланган манбаларнинг турфа хил эканига гувоҳ бўламиз. Олим китоб ёзиш жараёнида ҳадис илмига доир асарлар билангина чекланиб қолмай, луғат, адабиёт ва тарихга доир китоблардан ҳам самарали фойдаланган. Бу каби адабиётлар турини яна давом эттириш мумкин.

Самъоний асосан муҳаддисларнинг услубига таянган. Шу ўринда иш янада аниқ ва конкрет бўлиши учун муҳаддисларнинг услубига ҳам тўхталиб ўтамиз. Унга кўра аввал ривоят кетидан унинг санади келтирилади, иқтибос қилинган китоблар деярли тақдим этилмайди. Самъонийда ҳам айтиш мумкин. У ҳам кам ҳоллардагина иқтибос қилган китобларини келтирган. Масалан: «мен буни Нузхатуз зироф ва бидъатул авсоф»да ўқиганман». Яна бир мисол: «Бу уч байтни Абул Ҳасан байҳақий «вишоҳ» номли китобда келтирган». Юқорида айтганимиздек аксар ҳолларда Самъоний санаднинг ўзини айтиш билан кифояланган. Бу орқали у иқтибос келтирган муълумотларнинг манбаасини ёки таянч манба сифатида фойдаланган адабиётларни ўрганиш ишини тадқиқотчига қолдирган.

Асосий қисм: мусанниф давран анча эски асарлардан ҳам фойдаланган. У асарлар эса ўзидан аввалги олимлар қолдирган манбалардан иқтибос келтиргани, табиий. Шу зайдда битта санад кўшлаб манбааларни ўз ичига қамраб олган. Бу жараён эса мени мусанниф мазкур китобида фойдаланган

манбааларни муаллиф исмларига кўра тартиблашга ундади. Ана шу манбааларни алифбо тартиби шаклида куйидагича тартиблашга муваффақ бўлдим:

1. Аҳмад ибн Хусайн али Байҳақий (458-ҳижрийда ваофт этган).

Самъоний унинг бир нечта китобларидан ривоят қилган. Улар куйидагилар:

а) **«ал-адаб».** 271-хатбошини шу китобдан ривоят қилган. Самъоний келтирган ривоятнинг санади унга куйидагича тартибда боғланади:

Бизга Абу Абдуллоҳ ибн Фазл Қувовий айтиб берди, бизга Байҳақий хабар берди.

б) **«ад-даъават».** 213-хатбошини ривоят келтирган. Мусаннифга борадиган санафи куйидагича:

Абу Бакр Муҳаммад ибн Фараҳ ҳафсуний хабар берди, бизга Байҳақий айтиб берган.

с) **«ас-сунанул кубро».** Бу китобдан 32 ва 271-хатбошиларни ривоят келтирган. Мусаннифнинг унга санади Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Фазл ибн Аҳмад қурровий у Байҳақийдан тарзида боғланади.

д) **«ал-мадхол ила сунанил кубро».** Самъоний 4, 7, 322, 429-хатбошиларни ривоят қилиб келтирган. Унинг санади куйидагича:

Бизга Абул Маъолий Муҳаммад ибн Исмоил форисий айтиб берди, бизга Байҳақий хабар берган.

2. Аҳмад ибн Шуъайб насабий (203-ҳижрийда вафот этган).

Самъоний унинг китобларидан куйидаги ўринларда иқтибос келтирган:

а) **«сунан Насабий».** 71-хатбошинишу китобдан ривоят қилган. Самъонийнинг мусаннифга борадиган санади куйидагича:

Бизга Абул Ҳасан Саъдулхойр ибн Муҳаммад ибн Саҳл ансорий хабар берди: бизга Абу Муҳаммад Абдурроҳман ибн Ҳад ад-дуний ҳадис айтиб берди: бизга Абу Наср аҳмад ибн Хусайн динурий хабар берди: бизга Аҳмад ибн Исҳоқ ҳофиз хабар берди: бизга Абу Абдурроҳман насабий хабар берди.

б) **«амалул явми ва лайлати».** 360-хатбошием шу китобдан келтирган. Самъонийнинг Насабийга санади куйидагича етиб боради:

Бизга Абу Саъд Аҳмад ибн Абул фазл сулаймоний хабар берди: бизга Аҳмад ибн Абу робийъ истиробоний хабар берди, бизга Али ибн Умар ал-ҳамадоний хабар берди: бизга Абу Абдурроҳман насабий хабар берди.

3. Аҳмад ибн Абдуллоҳ ибн аҳмад Абу Нуъайм асбахоний (430-ҳижрийда вафот этган).

Самъоний унинг «Ҳиятул авлиё» китобидан 299, 324, 381, 441-хатбошиларни ривоят қилган. Бу хатбошилардаги Самъонийнинг асбаҳонийга борадиган санади қуйидагича:

Абул Фатҳ Муҳаммад ибн Абдулбоқий Биттийга ўқиб беришим орқали бизга хабар берган: Абул Фазл Ҳамд ибн Аҳмад ибн Ҳасан ҳаддод бизга хабар берган: бизга Абу Нуъайм хабар берди.

4. Аҳмад ибн Абдуллоҳ ибн Солиҳ ижлий Абул Ҳасан (261-ҳижрий санада вафот этган).

Самъоний олимнинг «сиқот» китобидан 170-хатбошини ривоят қилган. Самъонийнинг унга етиб борадиган санади шундай:

Муҳаммад ибн Муҳаммад ибн Абдуллоҳ синжий Марвда бизга хабар берди: бизга Абу Абдуллоҳ Исмоил ибн Абдуғофир форисий хабар берди: Абу Муҳаммад Ҳасан ибн Муҳаммад Соффар бизга айтиб берди: бизга Абул Аббос Валид ибн Бакр Андалусий хабар берди: Али ибн Аҳмад ибн Закариё ҳошимий айтиб берди: Абу Муслим Солиҳ ибн Аҳмад ибн Абдуллоҳ ижлий айтиб берди: менга отам айтиб берган.

5. Аҳмад ибн али ибн Собит Абу Бакр Хатиб бағдодий (463-ҳижрийда вафот этган).

Самъоний олимнинг бир нечта китобларидан иктибос келтирган. Улар қуйидагича:

а) **«Тарихи Бағдод».** Бу китобдан 4,8,30, 45, 289 348-хатбошиларда иктибос келтирган. Самъонийнинг мусаннифга санади қуйидагича уланади:

Бизга Абу Мансур Абдурроҳман ибн Муҳаммад Тоҳирий хабар берди, бизга Хатиб бағдодий аииб берган.

б) **«шарофу асхабул ҳадис».** Бу китобдан икки ўринда ривоят қилган: 57ва 61-хатбошилар. Санади: бизга Абу Бакр Муҳаммад ибн Боқий шоҳид хабар берди: бизга Хатиб бағдодий айтиб берган.

с) **«Ал-жомеъ лиахлақир ровий ва адаби сомиъ».** Самъоний бу китобдан бир нечта тарик орқали ривоят қилган:

1-тарик: бизга Абу Бакр Муҳаммад ибн Боқий шоҳид хабар берди: бизга хатиб айтиб берган.

Шу тарик билан 40, 57, 98, 110, 159, 162, 168, 194, 216, 243, 247, 288, 308, 313, 434-хатбошиларда ривоят қилган.

2-тарик: Бизга Абу Тоҳир Муҳаммад ибн иброҳим торозий хабар берди: бизга Аҳмад ибн маҳдий саломий айтиб берган.

Ушбу тарки билан Самъоний 44, 119, 124, 141, 184, 215, 261, 287, 209, 286, 426, 443, 479, 506, 522-хатбошиларда ривоятлар келтирган.

3-тариқ: бизга Абул Ҳасан Муҳаммад ибн аҳмад ибн Муҳаммад дақиқий хабар берди: бизга Хатиб хабар берган.

Самъоний ушбу тариқ билан 127, 319, 359-хатбошиларда ривоятлар келтирган.

4-тариқ: бизга Абул Ҳасан Муҳаммад ибн Махрук заъфароний китобида хабар хабар берган: бизга Хатиб айтиб берган.

Бу санад билан 47, 385, 483-хатбошиларда ривоят қилган.

5-тариқ: бизга Абу Мансур Муҳаммад ибн Абдулмалик даббос хабар берди: бизга Хатиб хабар берган.

Бу санад билан 130, 173, 185-хатбошиларда ривоятлар келтирган.

6-тариқ: бизга Абул Ҳасан Муҳаммад ибн аҳмад ибн Иброҳим дақиқий хабар берган: бизга Хатиб айтиб берди, деган санад билан Самъоний 361, 498-хатбошиларда иқтибослар келтирган.

6. Аҳмад ибн Али ибн Али Ҳамадоний ибн Лол (398-ҳижрий санада вафот этган).

Самъоний бу кишининг бир қанча китобларидан иқтибослар келтирган. Жумладан «сунан»лари ҳамда «муъжамус саҳоба»сидан иккита иқтибос мавжуд. Бу 88,101-хатбошиларда келган. Мусаннифнинг Ҳамадонийга санади қуйидагча:

Бизга Абу Бакр ибн Ҳибатуллоҳ ибн Фараж тофрободий хабар берган: Абулфараж Али ибн Муҳаммад Бажалий айтиб берган: бизга Абу Бакр бин Лол хабар берган.

7. Аҳмад ибн Али ибн Мусана Абу Яъло мусилий (307-ҳижрий санада вафот этган).

Самъоний унинг «муснад» номли китобидан иқтибос келтирган. Санади эса қуйидагича:

Бизга Абул Фараж Саъийд ибн Абуррожа сайрофий хабар берди: бизга Аҳмуд ибн Муҳаммад ибн Фаззоз хабар берди: бизга Аб Бакр ибн Муқриъ хабар берди: бизга Абу Яъло мувисил айтиб берган.

Бу тариқ билан мусанниф 364-хатбошида иқтибос келтирган.

Хулоса: Тадқиқот ва изланишлардан қуйидагилар маълум бўлди:

- Самъонийнинг тадқиқот олиб борилган мазкур асари муаллиф ўзи яшаган ва ундан аввал олимларнинг асарларини танитувчи энциклопедик манба экани;

- Китобнинг муҳаддислар услубига кўра ёзилгани;

- Асарда фақат ҳадис эмас бошқа бир қанча фанларга доир адабиётлардан ҳам салмоқли фойдаланилгани;

- Иқтибосларнинг аксари санад билан берилгани;

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

1. Насабнома. Ҳожи Абдулғафур Раззоқ Бухорий, Комилжон Раҳимов, Тошкент-2017.
2. Ас-Самъоний, Абу Саъд Абд ал-Карим ибн Муҳаммад. Китоб ал-Ансоб. 6 жилдли. – Байрут: Дор ал-кутуб ал-илмия, 1998.
2. Табақотуш шофеъия ал кубро. Тожиддин Субкий.
3. Абдулазим Мунзирийнинг жарҳ ва таъдил илми ҳақида саволларга жавоби, Абдулфаттоҳ Абу Ғудда. Мактабул матбувъа исломия, Ҳалаб. Б:62.